Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 73 (7. 162) ◎ 1990 йил 30 март, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Ялпи мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Депутатлар республика ҳукуматининг Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов таклиф этган янги таркибига номзодларни тасдиқлашга киришдилар.

Яқинда, доимий комиссияларнинг мажлисларида номзодларнинг ҳар бири министрлик ёки идора фаолияти программасини баён этди. Улар министрлар ва давлат комитетлари раисларининг лавозимларига номзодлар шахсини батафсил ўрганишга интилган депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар. Бўлиб ўтган жиддий фикрлашув чоғида номзодларга уларнинг ишчанлик ва инсоний фазилатларига қараб талабчанлик билан баҳо берилди. Депутатлар уларга ўзларининг кўпгина истакларини айтдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг номзодлари тақдим этилган барча биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари, ҳукуматнинг адлия министридан ташқари барча аъзолари тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовга ушбу лавозимга номзодни яна бир бор кўриб чиқиш ва тегишли доимий комиссияларда муҳокама қилингандан кейин Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига таклиф киритиш тавсия этилди.

Паркент районида рўй берган ҳолатлар ва оммавий тартибсизликлар оқибатларини текшириш борасида депутатларнинг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида илгари ташкил этилган комиссия таркибига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Р. А. Абдуллаев, Ж. Маматов, О. П. Федиталар кирди.

30 март куни сессия ўз ишини давом эттирмоқда.



◎ ДУГОНАЛАР. Тошкент булка-қандолатлар комбинати марказий лабораториясининг инженерлари М. Мўминова ва И. Горькая.

Р. Шарипов сурати.

Тонгги газеталарда

◎ Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Шимол халқлари съездига йўллаган табриги берилган.

◎ 28 март куни Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер М. С. Горбачевга телефон қилиб, унн СССР Президенти лавозимига сайланганлиги билан табриклади. Совет Иттифоқидаги қайта қуриш муносабати билан жаҳонда рўй бераётган чуқур қайта ўзгартиш жараёнларига берган ўз баҳосини тасдиқлади. Телефон орқали суҳбат ҳақидаги хабар тонгги газеталарда эълон қилинган.

◎ Республика газеталарида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясига оид материаллар, жумладан республика Министрлар Совети Раиси Ш. Р. Мирсандовнинг докладини муҳокама қилаётган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари нутқларининг баёни ҳамда «Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҳукумат бўлажак фаолияти программаси тўғрисидаги ва Ўзбекистон ССР иқтисодий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий концепциялари ҳақидаги Олий Совет қарорининг лойиҳасини ишлаб чиқувчи таҳрир комиссияси» аъзоларининг рўйхати ўрин олган.

НЛК МУВАФФАҚИЯТ

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ БАЗЕЛЬ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАДА «СОВПЛАСТИТАЛ»ГА ОЛТИН МЕДАЛЬ ТОПШИРИЛДИ

Бу кўргазма Европада катта нуфузга эга. «Уй учун, онла учун» моллар ишлаб чиқарувчи фирмалар бу ерда ўзларининг янги маҳсулотларини намойиш қиладилар. Шу ернинг ўзида тижорат музокаралари олиб борилади, битимлар тузилади.

Ташкил этилганига ҳали уч йил ҳам тўлмаган «Совпластитал» Совет-Италия қўшма корхонаси бу кўргазмада биринчи бор иштирок этди. Шўнга қарамай, муваффақият қозонди.

«Совпластитал»нинг экспозициясида 300 хил буюм бор эди. Шу маҳсулотларнинг ҳаммаси кўргазма тугаши биланоқ талаш бўлиб кетди. Оддий тақинчоқлар, рангли пластмассадан ясалган енгил мебель, пластизолдан ишланган ўйинчоқлар айниқса харидоргир бўлиб чиқди. Ҳорижий харидорлар «Петр шахмати» комплектини сотиб олиш учун бир неча юз долларни ҳам аяшмади. XVIII аср бошларига мансуб ҳарбий кийим ва либослардаги шакллар металлга ўхшатиб ясалган. Шунисн диққатга сазоворки, шу маҳсулотларнинг ҳеч бири атайлаб кўргазма учун тайёрланган эмас, улар «Совпластитал»да ҳозир ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

[ЎзТАГ мухбири].

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● БУДАПЕШТ, («Правда» ўз мухбири). Венгрия парламентида кўпчилик кимлардан иборат бўлади? Яқинда бўлиб ўтган сайловларнинг биринчи даврасидан кейин кун тартибига қўйилган савол шу тариқа турибди. Зотан, бу сайловда жуда кўп партиялар иштирок этди. Агар энг кўп ўрин олган Венгрия Демократик Форуми (ВДФ) мандатларини унга руҳан яқин турувчи партия мандатлари билан қўшадиган бўлсак, шунда у ўринларнинг 43 фоизига эга бўлади. Аммо унга қарши турган гуруҳ — Озод Демократлар Иттифоқи (ОДИ)нинг ўзига яқин иттифоқдошлари билан биргаликдаги мандатлари сони ҳам шу даражага — 43 фоизга етади.

Венгрия Социалистик Партияси (ВСП) қандай аҳволда? Ҳозирча у 10 фоиз овозга эга. Чамаси овозлар сони бундан ошмаса керак. ВДФ ҳам, ОДИ ҳам, кўринишдан, ВСП билан иттифоқ тузмоқчи эмаслар. ОДИ раиси Я. Киш қатъий қилиб айтди: ВСП янги раҳбариятда асосий роль ўйнамайди.

Сайловларнинг иккинчи даврасн, илгари айтилганидек, 8 апрелда ўтказилади.

● ЯПОНИЯ ташқи ишлар министри Т. Накаяма Токиода баёнот бериб, қурол ва қуролсизланиш масалалари ҳусусида сўзида гапирди. У Осиё — Тинч океан минтақасидаги муаммолар тўғрисида тўхталиб, шу муаммолар жумласига «шимол ҳудудлари» тўғрисидаги масалани ҳам киритди.

● СУНГГИ икки кун давомида — ҳам кундузи, ҳам кечаси Бухарестда ҳарбийларнинг намойиши давом этди. Улар армияда хизмат қилиш муддатини икки ойга узайтиришга қарши чиқмоқдалар. Мудофаа министри В. Стэнкулескунинг бугун эълон қилинган мурожаатида оммавий бўлмаган мазкур тадбирнинг иштирокчилари берилди. Жумладан, унда шундай дейилади: мамлакатда юз берган вазият юқоридаги чораларни қўллашни тақозо этмоқда. Министр ҳар қандай ихтилофларнинг олдини олиш учун ҳамма жой-жойида турнши керак, деди.

● АФҒОНИСТОНГА қарши қуролли кучлар 27 март куни мамлакат пойтахти — Кобулни ракетадан ўққа тутдилар. Пойтахтга «ер-ер» типидаги олтита ракета келиб тушди. Маҳмуд Хон ноҳиясида йўл чорраҳаси бўйида бир ракета йўловчилар тўла автобусга келиб тегди. 27 нафар йўловчининг ҳаммаси ҳалок бўлди. Бир нечта бинолар шикастланди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Рўзноманинг шу сонига ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Мана бир неча кундирки, Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтяпти. Анжуман куп тартибига киритилган масалалар шунчалик муҳимки, уларнинг биронтасини ҳам назардан қочириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам депутатлар ўртага ташланаётган барча масалаларни диққат билан тинглаб улар юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини баён этмоқдалар. Айниқса Ўзбекистон ССР Президентини сайлаш, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ва республика Министрлар Советининг Раиси учун бўлган сайловлар қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Мухбиримиз бир нечта депутатлар билан учрашиб, улардан ушбу анжуман ҳақидаги таассуротларини оқшомхонлар билан баҳам кўришни илтимос қилди.

Баҳодир ЖЎРАБОЕВ,
2515-автоколонна ҳайдовчиси,
Ўзбекистон ССР халқ депутати.

— Очиғини айтганда ҳали бироита йиғилишнинг бу қадар ошкоралик ва демократия тарзида ўтганини билмайман. Депутатлар фаоллигини айтмайсизми? Улар ҳар бир масала хусусида ўз таклиф ва истакларини айтишга ошиқишади. Бу қайта қуриш шарофатидандир.

Бевосита сессия иштирокчиси сифатида баҳс ва мунозараларни кузата туриб ўйланиб қоламан. Нега биз олдинроқ мана шунақа фаоллик қилмадик? Дилимиздаги тугунларни эмин-эркин баён эта олмадик. Нега умумхалқ аҳамиятига эга бўлган мажлислару, йиғилишларда бошлиқларнинг сўзини қўл кўтариб тасдиқловчи шахс , сифатидагина иштирок этдик. Агар ҳозиргидек дадил бўлганимизда боши берк кўчага кириб қолмасмидик.

Хайриятки, бу орада янгиланиш шабадаси эсиб қолди. Аҳлимизни йиғиб, ўзимизни тутиб олдик. Баралла яхшини—яхши, ёмонни—ёмон дейдиган бўлдик. Кўзимиз қаторлашиб қолган муаммоларни кўра билди. Мамлакатда бўлгани сингари жумҳуриятимизда ҳам бурилиш даври бошланди.

Яқин кунлардан бери Президент деган сўз тилимизга кириб қолди. Унга муносиб одамни сайлаш ҳақида ўй-фикр сурдик. Бу ишни ўринлатиб, садоқат билан бажарадиган кишини ҳам топдик.

Сессия қатнашчиларининг эътиборини жалб этган масалалардан яна бири Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ва республика Министрлар Советининг Раисини сайлаш бўлди. Бу ҳар иккала юксак лавозимларга сайланадиган номзодлар ҳақида қизғин баҳс ва тортишувлар бўлди. Муносиблар сараланди. Халқ уларга катта умид боғламоқда.

Анатолий ИГНАТОВ,
63-қурилиш-монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси, шаҳар Советининг депутати.

— Партия ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорларнинг бажарилмай қолиши, социалистик мажбуриятларнинг реал бўлмаслиги турғунлик даврининг бизга ниҳоятда қимматга тушган иллатларидан биридир. Бу нарса ҳозирги жамиятнинг демократиялаш жараёнида яққол сезилмоқда. Бугун бизнинг бутун диққат-эътиборимиз қаратилаётган сессия олдингиларидан ҳаётга бутунлай янгича ёндошуви, масалалар кескинлиги билан фарқланади. Яна ҳам аниқроғи ушбу анжуман инсон онги такомилининг кўриги бўлмоқда. Чиндан ҳам ҳозирда инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш энг муҳим масаладир. Энди қуруқ гап ҳеч кимга ёқмай қолди. Одамлар раҳбарлардан амалий иш кутишмоқда.

Сессиянинг ўзига хос томони туб ижтимоий масалаларнинг одилона ҳал этилаётганлигидадир. Шунинг учун ҳам унинг минбаридан иқтисодий ишни яхшиламай туриб ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий вазиятларни нормаллаштириб бўлмаслиги ҳақидаги гаплар қайта-қайта янграмоқда. Бизни мамнун қилаётган яна бир нарса унда баён этилаётган келажак режаларнинг ҳаётийлиги ва реаллигидир.

Республикамизда, айниқса, пахта экиладиган регионларда аҳолининг кўпчилик қисми ночор ҳаёт кечиради. Сессияда ана шу оилалар аҳволини нормаллаштириш кераклиги ҳақидаги гаплар айтилганлиги бизни хушнуд этди. Бу ниятга эришиш учун энг аввал озиқ-овқат дастурини тўла амалга ошириш керак бўлади. Бу—пахтадан бўшаган ерларга сабзавот-полиз маҳсулотларини экиш, боғ-роғлар барпо қилиш керак демакдир. Фақат шу йўл билангина меҳнаткашларнинг моддий турмуш даражасини ошириш мумкин.

Абдулла ТУРСУНОВ,
2-автокомбинат хизматчиси, Октябрь район Советининг депутати.

— Сессиянинг қандай ўтаётганлигини биз матбуот ва телевизор орқали ўқиб, кузатиб турибмиз. Шахсан мени депутатларнинг фаоллиги мамнун этмоқда. Минбарга чиққан ёки сўз олган у ёки бу қатнашчи ўзининг кераклн таклиф ва истакларини баён этмоқда. Вайсақиликка ўрин берилмаяпти.

Мен район Советининг депутати сифатида Президент сайловини ёқлайман. Чунки Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиқи тақозо этмоқда. Узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган миллий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланиш муаммолари ниҳоятда мураккаб ва кескин тус олди. Республикамиз олдида турган мана шу каби долзарб масалаларни тубдан ҳал этишда Президент лавозимининг таъсис этилиши янги имкониятлар очади. Жиноятчиликнинг кўпайиб бораётганлиги, жамиятга қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга уринишлари халқимизни ташвишга солмоқда. Чунки миллий адоватнинг қучайишидан келиб чиқаётган тартибсизликлар туфайли халқ қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар кўрмоқда. Барча миллат вакилларининг бугунги кундаги хоҳиши жамиятимизнинг сиёсий-маънавий асосларига қарши бўлган ҳар қандай уринишларга чек қўйиш, граждапларнинг ор-номусини, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунинг учун албатта кучли ҳокимият бошқаруви керак.

Мен ишлаётган жамоада турли миллат вакиллари ишлашади. Уларнинг ҳаммасини меҳнат бирлаштирди, дўстлаштирди. Йиллар давомида синовдан ўтган бу дўстликка зарра раҳна тушишини исташмайди.

Хуллас, мақсад ва маслакларимиз бир, Тинчлик, дўстлик, демократия, ошкоралик ва қайта қуриш. Ҳар қандай яхши ниятларга эришиш учун эса гиналарни унутиб, бирлашиб аҳилликда меҳнат қилишимиз керак. Зеро сессиядаги масалаларнинг энг муҳими ҳам ана шундан иборат бўляпти.

Суҳбатни
М. КОМИЛЖОНОВ
олиб борди.

Комитет тузилмоқда

Ўзбекистонда бир ярим минг оила Афғонистондан қайтмаган фарзандлари, эрлари, акалари, укалари ва оталари учун қора кийиб юрибди. Ҳар бир оила учун бу ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишдир. Бошлиқларнинг тўралар-ча муносабатлари, уларнинг лоқайдлиги ва димоғдорлиги, ўз ҳарбий бурчини бажарган фарзандлари хотирасини менсимаслиги ҳалок бўлган «афғон»чилар оналарининг қалбидаги тузалмас ярага туз бўлиб сепилмоқда. Ғамни енгиш учун биз бирлашишимиз керак — бу байналмилалчи жангчилар ва запасдаги жангчилар республика уюшмаси аъзолари билан Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар оилалари ўртасидаги учрашувда асосий фикр бўлди. Бу учрашув Туркистон ҳарбий округи тарихи музейида бўлиб ўтди. Музейга йиғилганлар бўлажак ташкилотнинг мақсадлари ва вазифаларини белгилаб олдилар.

Ҳалок бўлган «афғон»чилар оналари комитети мамлакат ва республика ҳукуматлари улар учун қонунларда кўзда тутган имтиёзлар бажарилишини назорат қилишни режалаштиради. Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар хотирасини абадийлаштириш ишига бош қўшиб, мактабларга, кўчаларга уларнинг номи берилишига эришиш ниятидадир. Оила аъзолари ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатиладиган ёдгорликлар лойиҳаларини муҳокама қилишда, хотира китоблари яратишда қатнашадилар. «Умид» жамоатчилик комитети билан биргаликда бедарак кетганларни қидириш, асирларни ватанига қайтариш ишига қўшиладилар. Учрашув қатнашчилари жамоат ташкилоти «афғон»чиларнинг ўзларига ҳам, масалан, ижтимоий-руҳий жиҳатдан оёққа турғазиш марказларини барпо этишда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ёрдам бериш кераклиги тўғрисида гапирдилар. Янги жамоат ташкилоти келгусида Афғонистон билан боғлиқ «сиёсий хатолар» такрорланмаслиги учун ҳамма ишни қилади, албатта.

[ЎзТАГ мухбири].

МУКОФОТГА... САЁҲАТ



◎ МЕҲНАТ қилган—элда азиз, деганларидек Ўзбекистон пойтахтидаги мактабларнинг энг яхши ўқитувчилари, болалар боғчаларининг педагог ходимлари ва халқ таълимининг бошқа мутахассисларидан иборат 380 киши энг яхши меҳнати учун йигирма кунлик саёҳат ва дам олиш йўлланмалари билан тақдирландилар.

Бепул йўлланмани олишга муяссар бўлган саёҳатчилар гуруҳи «Ўзбекистон ўқитувчиси—90» махсус поезди билан сафарга отланди. Улар мамлакатимиз қардош республикаларининг Харьков, Киев, Львов, Ужгород, Мукачево, Рахов, Черновци, Кишинёв, Одесса, Волгоград шаҳарларида бўладилар.

Саёҳат программасининг қизиқарли, турли тадбирларга бой бўлиши кутилмоқда. Унда халқ таълимини қайта қуриш борасида тўпланган тажрибалар алмашинади. Украина, Молдавия, РСФСР шаҳарларида ислоҳот одимлари қандай олиб борилаётганлиги билан яқиндан танишилади. Бундан ташқари махсус поезд қатнашчилари юқорида номлари келтириб ўтилган шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ таълими Бош бошқармаси ва «Ташкенттурист» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўшма қарорига биноан биринчи марта ташкил этилган «Ўзбекистон ўқитувчиси—90» поезди бугун йўлга чиқади. Халқ таълими ходимларининг ушбу сафари тўғрисида «Оқшом» рўзномаси саҳифаларида ёритиб бориш режасидамиз.

СУРАТДА: «Ўзбекистон ўқитувчиси—90» махсус поезднинг қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Т. Каримов сурати.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Бутун республикамиздагидек, Тошкент шаҳрида ҳам «Иш билан бандлик» дастури ишлаб чиқилмоқда. Ана шу дастурни амалга оширишдан кўзда тутилган мақсад аҳолининг иш билан тўлиқ ва самарали банд бўлишини, меҳнатга лаёқатли барча гражданларнинг конституцион ҳуқуқини таъминлашдан, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришдан иборатдир.

Шу муносабат билан шаҳарда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган шахсларнинг иш жойини, ишламаётган ва ўқимаётган барча тоифадаги меҳнатга лаёқатли гражданларни аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар, 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ҳисобдан ўтказиладн.

Ишламаётганларга шахсий ҳисоб карточкаларн тутнладн. Унда ишламаётган кишининг ихтисослиги, қандай шароитларда ишлашн мумкинлиги ва бошқа маълумотлар қайд этилади. Карточкалар ҳисобга олинаётган кишининг шахсан ўзи томонидан, ана шу ишни амалга ошираётган ҳисобчи-ходимлар ҳозирлигида тўлдирнладн.

АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

Тегишли территориялардаги район Советлари ижроия комитетларининг бланкасида шахсий гувоҳномаси бўлган ҳисобчилар сизга мурожаат этган тақдирда, шахсий карточкаларда кўрсатилган саволларга тўлиқ жавоб бершингизни сўраймиз. «Иш билан бандлик» шаҳар ва район дастурларининг нақадар сифатли ва пухта ишлаб чиқилиши ана шунга боғлиқдир.

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетн.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Ошкора мулоқот

ТОШКЕНТ ДАРДИ БИЛАН ЯШАСАК

...Ва мана ниҳоят сайловлар ҳам зонган номзодлар депутатлик бўлса, ишга, сайловчиларнинг динда катта ишлар турибди. тути кафедрасининг мудири, фессор Малик Муродов ҳам бахти да ғолиб чиқиб, Тошкент шаҳар биримиз у билан учрашиб, ортда қолди. Халқ ишончини қомандатига эга бўлдилар. Энди наказларини бажариш керак. Ол-Тошкент Давлат маданият инстифилология фанлари доктори, прокулган кишилардан. Сайловлар-Советининг депутати бўлди. Мухсуҳбатлашди.

— Малик ака, депутатликка сайланганингизни эшитганингизда дилингиздан нималар кечди?

— Ўша куни ишга келсам, ҳамкасбларим, талабалар мени ўраб олишди. Нима гаплигига тушунмай аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин билсам сайловчилар менга катта ишонч билдиришибди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Кейин эса вужудимни ташвиш ва ҳадик қуршаб олди. Нега дейсизми? Ахир қаршимда беш мингдан ортиқ сайловчиларнинг нигоҳи кўндаланг бўлди-да! Менга ишонч билдириб, сайлашган экан, нималарнидир ўйлашган, умид қилишган, ишонишган! Ўзингиз ўйланг, менга ишонч билдиришса, мендан нималарнидир кутишса, мен уларнинг ана шу ишончларини оқлай олармиканман?! Озгина бўлсада дардларига дардкаш, қувончларига шерик бўлаоламанми-йўқми, уларнинг кўрсатмаларини бажара олиш қўлимдан келармикан, деб ўйладим!

Мен ақли расо, тафаккури тиниқ, маданий, маънавий руҳияти қуёшга тенг халқнинг кичик бир фарзандиман. Ана шу халқ одобномаси руҳида, таъсирида тарбия топганман. Халқ одобномасида эса кишилар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиш, уларнинг ишончини оқлаш инсоний фазилатларнинг фазилатларидандир.

Сайловчиларнинг ҳурмат-эътиборини қозониш, уларнинг «ўз кишиларига» айланиш, гап-сўз, муомала, амалий иш билан улар қалбидан жой олиш ҳар бир депутат учун олий шарафдир. Сайловчиларинг сени кўрганда энг яқин кишисини кўргандай қувонишса, суюнишса, ичларидаги дард-аламларию шодлик-қувончлари билан бемалол ўртоқлашишга интилсалар — бу қандай бахт-а?! Аксинча, сени кўрганда ваъдабоз, ёлғончи, алдамчи деб сендан юз ўгиришса, бундан ёмони йўқ. Ана шуларни ўйладим, депутат бўлиб сайланганимни эшитгандаги илк дақиқаларда... Улар-ку менга ишонч билдиришибди, ўз навбатида камина улар ишончини оқлаш учун нималар қилиши керак?! Шунда бир фикр менга тасалли берди. Яхшиям, сайловолди учрашувларини камроқ ўтказиб, дастуримда ваъдани ошириб юбормаган эканман. «Ҳа, мени сайласанглар уни қиламан, буни қиламан, мана буни бажараман, ана буни бажараман», деб ваъдалар бериб юбормаган эканман. Баъзи депутатларга ўхшаб ваъдаларни қопқоплаштириб юборганимда борми, кўтаролмасдим.

— Депутатнинг бурчи, масъулияти ҳақидаги фикрларингиз?

— Депутат — халқ хизматкори, деган гап бор. Мен ана шу ақидани бироз ойдинлаштирмоқчиман. Менимча, депутат халқ хизматкоригина эмас, айни чоқда у халқнинг умид қўйган фарзанди.

Деуптат ҳалол, пок, эътиқодли бўлмоғи керак. У сўзи билан иши бир жойдан чиқишига эришган оддий инсондир. У район ё шаҳар, жумҳурият ё СССР халқ депутати бўлмасин, халқ фаровонлиги ва турмуш шароитини яхшилаш, қадриятлари қадрини ошириш, маданий-маърифий, маънавий ҳамда руҳий камолоти борасида куюниши, бетиним ишлаши шарт.

Айниқса жумҳуриятимизда қайта қуриш, демократия, ошкоралик давом этаётган ҳозирги пайтда депутатнинг бурчи янада чуқурлашиб, масъулияти тағин ҳам ошиб қатағонлик йилларидаги депутатга асло ўхшамайди (тўғри, уларнинг ҳаммасини бир андоза билан ўлчаб бўлмайди, албатта). Ҳозирги депутат халқ ва юрт манфаати йўлида барча нарсага «аралашиши», ҳамма ерда ҳозиру нозир бўлиши, қисқаси ҳаёт, инсон, юрт муаммолари билан тўлиб-тошган киши бўлмоғи лозим. Агар муаммолар ҳақида гап борар экан, депутатнинг «Бу менинг ишим эмас, унинг иши», «Бу менинг соҳам эмас, унинг соҳаси», дейишга ҳеч ҳам ҳаққи йўқ. У биринчи навбатда ўз сайловчилари олдида, қолаверса бутун эл-юрт олдида масъулиятли, яхши, хайрли ишлар олдида бурчли шахс. Халқ депутатдан курашчан, фидойи, топқир бўлмоқни талаб қилишга ҳақли.

Фикримча, нопок, ичи қора, кўнгли бузуқ, тафаккури тиниқ бўлмаган, иши билан сўзи бир-бирига мос келмайдиган, фақат ўзини ўйлаб, шахсий манфаати йўлида «учадиган», эл-юрт манфаатини ўйламайдиган, атроф-муҳит, халқ дарди-кулфатини англай олмайдиган, бефарқ, танбал, лоқайд, тепса-тебранмас кимсанинг депутат, яъни халқ хизматкори — халқ кишиси бўлишига ҳаққи йўқ. Мен депутат масъулияти, бурчи деганда ана шу ва ҳеч қандай қонунларда битилмаган бошқа олижаноб, инсоний хислат-фазилатларни тушунаман.

— Биринчи сессиядан олган таассуротларингиз қандай? Сессия ишидан қониқдингизми?

— Мен ўз умримда биринчи маротаба шаҳар Советига депутат бўлиб сайландим. Демак, депутатлик фаолияти соҳасида тажрибам йўқ. Депутатнинг бурчи, одоби, масъулиятини чуқур англаганим, ҳис этганим билан, барибир, бу соҳада тажрибага эга эмасман. Депутатлик ҳуқуқи, мақоми, имтиёзи ва ҳоказолардан бехабарман. Демак, умрида уч-тўрт марталаб депутатликка сайланган кишилардан фарқланаман. Шу боисдан ҳам биринчи сессияда илк бор қатнашганда олган яхши-ёмон таассуротларим шахсий, демак, улар балким мунозарали ва баҳсли бўлиши мумкин.

Даставвал шуни айтиш керакки, ҳар қандай сессиянинг кун тартибига қўйилган масалаларни кенг ва атрофлича муҳокамасигача, ечилган ё белгиланган муаммоларнинг барчасигача — ҳамма-ҳаммасини депутатлар кўриб чиқади, улар ҳал этади. Зеро, депутатсиз сессиянинг ўзи йўқ. Бу чин ҳақиқатдир. Шу боисдан ҳам мен сессия очилишидан тортиб, ёпилишигача депутатларни кузатдим. Англашилдики, қулоғим нотиқлар сўзида-ю, кўзим депутатларда бўлди. Шунда залда ҳозиру нозир бўлиб, сессия ишида иштирок этаётган кишилар (уларнинг баъзи бирларидан қатъи назар) бағоятда масъулиятли ана шу ном — депутатлик номига лойиқ, сайловчилар уларни кўриб, билиб, ҳар томонлама тарозига солиб, «Етти ўлчаб бир кесиш» қабилида иш тутиб сайлабди, деган хулосага келдим. Икки кун давом этган сессия давомида уларнинг кўпчилигини фаоллиги, жонкуярлиги, кун тартибидаги масалалар ва муаммолар моҳиятини чуқур англаши, зукколиги, бир сўз билан айтганда, сайловчилари манфаатлари йўлидаги фидойиликларини кўриб қониқиш ҳосил қилдим. Қисқаси, Тошкент шаҳар Советининг XXI чақириқ биринчи сессияси баҳсли, мунозарали, айни чоқда қизиқарли ўтди, дейиш мумкин. Бу ҳол келгуси сессиялар янада ижодий, мунозарали, янада баҳсли, қизиқарли, фикр алмашувлар, олишув-тортишувлар асосида ўтишига умид туғдиради.

Шунга қарамай, биринчи сессияга тайёргарлик ва уни ўтказишда бирмунча камчиликларга ҳам йўл қўйилдики, кейинги сессияларда такрорланмаслиги учун улардан баъзи бирларини қайд этиб ўтишни лозим топамиз.

Сессиянинг жойма-жой кўчиб ўтказилиши (аввал Министрлар Советининг кичик залида, кейин Тошкент область партия қўмитасининг мажлислар залида, сўнгра эса Ҳамза номидаги академик драма театри биносида ўтди), ҳужжатлар шошма-шошарлик билан тайёрланиши натижасида пойма-пойликка йўл қўйилиши, матнларда, хусусан ўзбек матнларида жуда кўп қўпол хатоларнинг учраши, рамзий воситалар, танаффус ва бўш пайтларда бадиий ҳаваскорлик коллективларидан фойдалана билмаслик, китоб, пластинка ва маиший хизмат савдоларида маҳаллий миллатга оид материалларнинг деярли йўқлиги каби қатор қусурлар шулар жумласидандир. Шунга қарамай, сессия ўз олдига қўйган мақсадга тўла эришди, дея оламиз.

— Қайси комиссияда иштирок этасиз ва нима учун?

— Сессияда, айтганимиздек, ўн учта доимий комиссия тузилди. Мен мамнуният билан илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, тарихий меросларни сақлаш бўйича доимий комиссияда ишлаш истагини билдирдим. Бу комиссия аслида бошқачароқ эди, яъни унда адабиёт ва санъат тушиб қолдирилган экан. Шахсан менинг таклифим билан адабиёт, санъат киритилди. Комиссиянинг дастлабки йиғилишида Аъло Хўжаев раис этиб сайланди. Комиссия аъзолари орасида академик, олимлар, маданият, адабиёт, театр, санъат, мусиқа каби соҳаларнинг таниқли намояндалари бор. Мазкур комиссия аъзолари Тошкент шаҳридаги тарих, маданият, адабиёт, санъат, тил, хусусан топонимика, мусиқа, илм-фан, тарихий жойларни қайта тиклаш, шунингдек маданий-маърифий ҳамда маънавий-руҳий соҳалардаги муаммоларни ечиш, ҳал қилишда бор имкониятларини ишга солиб, қўлларидан келганча фаолият кўрсатадилар, деб ўйлайман. Шахсан ўзимнинг ушбу комиссияни танлашим боисига келсак, бунга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлади. Шу нарса очиқ-ойдин равшанки, шаҳримиз маданияти, тарихи, маънавияти, қадриятлари, адабиёти, санъати, мусиқаси, маданий-маърифий ишларида тўпланиб қолган муаммолар бошқа жабҳалар, чунончи, иқтисод, транспорт, савдо, маиший хизмат, экология ва бошқаларидагидан кўра кўп бўлса кўпки оз эмас. Тарихий обидалар ва моддий-маънавий меросимимизнинг кўриниши хароб ҳолда, унутилган, бузилган, топталган, ўзга юртларга ўғирлаб кетилган. Маданий-маърифий муассасалар — клублар, маданият саройлари, кутубхоналар, музейлар, маданий-дам олиш истироҳат боғлари, хиёбонлар тубдан қайта қурилишга, биринчи навбатда моддий-маънавий базага ниҳоятда муҳтож. Тошкентнинг миллий қиёфаси, топонимикаси бутунлай ўзгартириб юборилган, қадриятларимиз қадри камситилган, оёқ ости қилинган ва ҳоказо. Мен узоқ йиллардан буён халқ маънавий ва руҳий қадриятлари, фольклор, маданий-маърифий ишлар, болалар адабиёти, кутубхоналар, китобхонлик, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, халқ удумлари, расм-русумлари, анъаналари, урф-одатлари, шунингдек маросимлари, топонимика, халқ анъанавий одобномаси — таълим-тарбияси, яъни педагогикаси ва бошқалар билан шуғулланиб келаман. Шу боисдан мазкур комиссияда қатнашсам, юқорида санаб ўтилган соҳалардаги муаммоларнинг ечилишида қисман хизматим бўлар деган умид билан уни танладим. Дарҳақиқат, Тошкент маданияти, тарихи, маънавиятидаги муаммоларни ҳам санаб тугатишнинг ўзи амри маҳол...

— Сайловчиларингизнинг наказлари асосан нималардан иборат?

— Улар унчалик кўп эмасдай, аммо ҳаётий, реал, айни чоқда жуда мураккаб... Булар — магазинларда гўшт, ёғ, қанд, совун, пишлоқ бўлсин... ўғирлик, оммавий босқинчилик, йўлтўсарлик йўқотилсин. Мавзеларда осойишталикка эришайлик... Маданий-маърифий муассасалар соҳасида ишловчиларга нисбатан социал адолатсизлик тугатилиб, уларнинг маошлари кескин равишда оширилсин, гўшт дўкони, кичик бозорча очиш ва ҳоказо. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабалари бўлмиш сайловчиларнинг талаблари эса — институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув биноси, ўқув театри, намунали кутубхона ва талабалар учун ётоқхона қуриш кабилардир. Соғлиқ бўлса бундан буён айрим раҳбарлар тўраларча тўнларини кийиб олишмаса, сайловчиларим ҳам яқиндан фаол қўллаб-қувватлаб туришса мақсадга эришмай қолмаймиз, албатта.

— Авваллари ҳам рўзномамизнинг фаол муаллифларидан бири эдингиз. Тошкент шаҳар Советининг депутати сифатида рўзномамизда қандай муаммоларни кўтариб чиқмоқчисиз?

— Тўғри, мен «Тошкент оқшоми»нинг илк сонларидан бошлаб, то шу кунга қадар нафақат фаол муаллифларидан, балки унинг фидойи муштарийларидан бири, тарғиб-ташвиқотчиси, обрўси ва нуфузи учун курашувчиларданман, десам муболаға қилмаган бўламан. Энди, иккинчи саволингизга келсак бундай гап: Тошкент шаҳар Советининг депутати сифатида қандай муаммоларни кўтариб чиқиш хусусида сўз борадиган бўлса, қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Тошкент шаҳрининг ҳам иқтисодий-сиёсий, саноат, транспорт, халқ истеъмоли моллари ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, савдо ва транспорт, алоқа ва қурилиш, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, социал таъминот, маҳалла, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хусусан маданий, маърифий ҳаёти, илм-фан, санъат, адабиёт, тарихий меросларни сақлаш, миллатлараро муносабатлар, байналмилал ва руҳий тарбия, тил ва ҳоказо, ва ҳоказолардан ўз муаммолари, қийинчиликлари бор, албатта. Уларни кўтариб чиқиш, жамоатчилик фикрини уйғотишда биз шаҳар Совети депутатлари, жумладан менинг ўзимнинг ҳам амалий ёрдамим бўлмоғи лозим. Шуни эътиборга олиб, рўзнома саҳифаларида бошқа муаммоларга бағишланган баҳслар билан бир қаторда: «Сайловчилар: наказлар, ижролар», «Депутат минбари» каби кунида депутатларнинг ҳаёти, амалий фаолиятлари, сайловчилар топшириқларининг бажарилиши ва бажарилмаётганликлари ҳақидаги танқидий мулоҳазалар, сессиялар кун тартибларидан олинган таассуротлар, депутатларнинг ўз сайловчилари билан ишлаш усуллари, «Депутат ва қайта қуриш», «Депутат ва ҳаёт» каби долзарб масалалар бундан буён ҳам изчил ёритиб борилишига ишончим комил.

Яқин ойлар ичида Тошкент шаҳар Совети XXI чақириқ I сессиясида тасдиқланган «Илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, тарихий меросларни сақлаш бўйича» доимий комиссия аъзолари иштирокида «Чойхона — маданиий-маърифий тарбия ўчоғи», «Қадриятларимиз қадри», «Шаҳримиздаги болалар кутубхоналарининг аҳволи ва муаммолари», «Тарих тилга киради», (Тошкентнинг тарихий меросларини ҳимоя қилиш маъносида), «Тошкент шаҳар топонимикаси соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечими» каби мавзуларда доира столи атрофида суҳбатни бошлаб юборамиз. Бунга депутатлар билан бир қаторда Тошкент шаҳрида яшовчи тарихчи, этнограф, маданиятшунос, тилшунос олимларни, шунингдек, адабиёт ва санъат ходимларини ҳам жалб этамиз. Хуллас калом кўпчилик депутатлар қатори мен ҳам она шаҳримиз гўзал Тошкент ва тошкентликларни ўйлантириб, қалбини ларзага солиб келаётган ва илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, тарихий мерос, топонимика, тил ва бошқалар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, ечиш, қисқаси маданият, маърифий-маданий муассасалар, қадриятлар, маънавий ва руҳий тарбия борасидаги адолатсизликлар, йўл қўйилган хатоликларни тугатиш, бу соҳада адолатни тиклаш йўлида курашга астойдил бел боғлаганмиз...

Суҳбатдош
Тўхтамурод ТОШЕВ.



⊙ МУРАББИЙ ТИКУВЧИ. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари Мавлуда Исмоилова.
Х. Мирзакаримов сурати.

Хориждан хабарлар

⊙ БУДАПЕШТ. Сўнгги 40 йил ичида биринчи марта кўп партиявийлик асосида парламент сайлови ўтказилаётганлиги (бу сайловнинг биринчи давраси 25 март куни бўлиб ўтди) муносабати билан тузилган Будапештдаги халқаро матбуот марказида кескинлик пасаймаяпти. Матбуот марказига турли мамлакатлардан келган 1500 нафардан ортиқ журналист деярли икки кеча-ю икки кундуздан буён оёқда турибди.

Бу ерда сайловлар биринчи даврасининг дастлабки норасмий натижалари маълум бўлди. Бу натижалар овоз бериш протоколларининг деярли 50 фоизини кўздан кечириб чиқиш асосида олинган. Уларга қараганда, Венгрия Демократик анжумани 24, 21 фоиз, Эркин демократлар иттифоқи 20, 84 фоиз, Майда хўжайинлар мустақил партияси — 12, 61 фоиз, Венгрия социалистик партияси — 10, 53 фоиз, Ёш демократлар иттифоқи 8, 57 фоиз, Христиан-демократик халқ партияси — 6, 42 фоиз овоз олган.

Айни шу партиялардан сайланган депутатлар асосан Венгрия парламентининг янги составини ташкил этади, деб мўлжалланмоқда.

⊙ БЕРЛИН. ГДРда халқ палатасига сайлов бўлиб ўтгандан кейин ГДРдан ГФРга кўчиб кетаётган кишилар сони камая бошлади. 19 мартдан 25 мартга қадар доимий яшаш учун Ғарбий Германияга атиги 4.990 киши кўчиб кетди. Бундан олдинги ҳафтада 11.914 киши кўчиб кетган эди.

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб, деб таъкидланади АДН агентлигининг хабарида, Федератив Республикада ГДРдан кўчиб келган 149, 232 киши рўйхатга олинди.

⊙ ГАВАНА. Гаити маъмурларининг илтимосига мувофиқ, БМТнинг тўрт экспертдан иборат миссияси Кариб ҳавзасидаги ана шу давлатда бўлажак президент сайловини ташкил этишда ёрдам бериш учун икки кунлик ташриф билан порт-о-Пренсга келди. Ўтиш давридаги Этне Паскаль Труйо бошлиқ граждан ҳукуматининг мактуби БМТга ана шу халқаро ташкилотнинг Гаити пойтахтидаги доимий вакили Рейхард Хембер орқали шу йил 3 мартда топширилган эди.

⊙ МЕХИКО. АҚШ маъмурлари яширин равишда АҚШга ўтаётган кишилар сонини мумкин қадар камайтириш ва Америкага наркотик моддалар олиб ўтилишига тўсқинлик қилиш учун Мексика билан чегарада қўшимча тўсиқлар системасини ўрнатмоқчи бўлишаяпти. Рио—Браво дарёси бўйлаб Америка—Мексика чегарасининг бутун масофасида тўсиқлар системасини қуриш кўзда тутилмоқда.

Мексикаликлар ҳуқуқини ҳимоя қилаётган Мексика ташкилоти Америка маъмурларининг режаларини «ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ва инсон ҳуқуқларини бузиш» сиёсати деб таърифлади.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Шимолий Каролина штатида жойлашган Гринсборо шаҳридаги чоғроқ тамаки дўкони «Америка тамакиси» деб аталади. Дарвоқе, бутун ана шу ўлкани шу ном билан атасак, хато қилмаган бўламиз. Дўкончада «чекилмасин» деган ёзувли плакат пайдо бўлганида маҳаллий аҳоли буни ўзига хос давр белгиси сифатида қабул қилди.

«Харидорлар плакатни кўрганда нима қилишини кўпинча олдиндан айтиб бўлмайди, — деб шикоят қилади дўкон ходимларидан бири Мэтью Паппас, — уларнинг кўпчилиги бизнинг дўконимизда чекиш мумкин эмаслигини эшитишлари биланоқ сотиб олган нарсаларини ташлаб, ҳеч қачон қайтиб келмайдиган бўлиб кетиб қолишга тайёр».

Кашандаликка қарши кураш олиб борувчи турли гуруҳлар ва ташкилотлар вакилларининг ишонтиришича, улар сира ҳам тамаки компанияларининг даромадларини камайтиришга интилишмаяпти. Уларнинг мақсади — никотиннинг инсон саломатлигига таъсири тўғрисида ҳаққоний маълумот бериш ва кашандада реклама плакатлари вужудга келтирган «бахайр оқибат» тўғрисидаги тасаввурнинг нотўғри эканлигини фош этишдир. Сигареталарни реклама қилиш ҳам чеклаб қўйилди. Масалан, тамаки маҳсулотларини телевизор ва радио орқали реклама қилишга руҳсат этилмайди. Яқинда фирмалардан бири янги турдаги сигареталар ишлаб чиқариш режасидан воз кечишга мажбур бўлди.

АҚШда чекишнинг зарари тўғрисидаги масала биринчи бор кенг кўламда 1964 йилда кўтарилган эди.

Лекин ҳар қалай тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мавқеи Америкада ҳамон кучли. Гарчи кашандалар 1966 йилда мамлакат катта ёшли аҳолисининг 40,7 фоизини ташкил қилган ва бу кўрсаткич 1987 йилга келиб 29,1 фоизга тушган бўлса-да, айни пайтда АҚШда қарийб 50 миллион киши ҳамон чекмоқда. Америка фирмалари ўз маҳсулотларини сотиш учун янги бозорлар ҳам топишаяпти.

«Мальборо» сигареталарининг реклама тимсоли бўлган от минган ковбой Америка экранларида анчадан буён кўринмаяпти. Лекин бу чавандознинг ривожланаётган мамлакатлар телеэкранлари бўйлаб шамолдек елишини ҳозирча ҳеч нарса тўхтатиб қололмаяпти. Ички тамаки бозори қисқариб борган сайин, деб таъкидлайди АП агентлиги, АҚШ ҳукумати ўз фирмаларига тамаки маҳсулотларини сотиш бозорини чет элда кенгайтиришда ёрдам беришга тобора кўпроқ ҳаракат қилаяпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, бу йил кашандалик туфайли вужудга келган касалликлар натижасида қарийб 3 миллион киши ҳаётдан кўз юмади.

(ТАСС).



⊙ ШВЕЙЦАРИЯЛИК таниқли устки либос дизайнери Луижи Колани яқинда навбатдаги устки кийим-кечаклар коллекцияси устидаги ишларни ниҳоясига етказди. Бу кийим-кечаклар миллий «Суиссэйр» авиакомпаниясининг хизмат кўрсатувчи ходимлари учун мўлжалланган. Ҳаммаси бўлиб учувчилар, штурманлар, стюардессалар ва авиатехниклар учун кийим формасининг бир неча кўриниши яратилди. 9 минг комплект формани тикиш учун Колани 250 километр узунликдаги жун аралаш тўқ ҳаво ранг газламани талаб қилди, бу компанияга 16 миллион швейцар франкига тушди. Дизайнер «Суиссэйр» ходимлари учун расмий формадан ташқари уй кийимларининг бир неча кўринишини таклиф қилди.

СУРАТДА: «Суиссэйр» ходимлари ўзларининг янги иш кийимларини намойиш этишяпти.

Кейстон-ТАСС сурати.



⊙ БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМАЛАР. Тошкент шаҳар уй-жой бошқармаси Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Киров район раҳм-шафқат хизмати учун «Орлёнок» санаторий-профилакторийсига бепул йўлланмаларни ажратди.

24 кун мобайнида нафақага чиққан қариялар тўлиқ физиотерапия курсини оладилар.

СУРАТДА: Александр Михайлович Фалеев уч урушни—фин урушини, Улуғ Ватан урушини ва японлар билан урушни бошидан кечирган. У танкнинг механик-ҳайдовчиси бўлиб жанг қилган. Ярадор бўлган, контузия нима эканлигини билади. Мана, унинг аҳволидан хабар олгани раҳм-шафқат хизматининг ходимаси Вера Вениаминовна Минаева келди.

А. Кошкин (ЎзТАГ) сурати.

Қисқа сатрларда

⊙ Мамлакатнинг асосий кўргазмасидаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш—90» экспозициясида ҳаво таркибидаги карбонат ангидрид миқдорини ўлчайдиган «Палладий—МП1» асбоби намойиш этилмоқда. Уни «Химавтоматика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлик бюросининг мутахассислари ишлаб чиққанлар.

⊙ Кўқондаги барча ўрта мактаблар компьютер хоналари билан таъминланган. Электрон машиналарни «Вариант» Совет — Болгария қўшма корхонасининг мутахассислари тайёрлаб, ўрнатиб бердилар. Қўқонлик мактаб ўқувчилари компьютерларнинг ўзидан ташқари информатика, ўзбек ва рус тиллари, бошқа фанлар юзасидан программ таъминотга эга бўлдилар.

(ЎзТАГ).

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

Ижодий уюшмаларда

УМИДЛИ МУСИҚАЧИЛАР

Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон ССР бастакорлар уюшмаси ўзининг 50 йиллик тўйини кенг нишонлади. Ўтган ярим аср мобайнида талайгина истеъдодлар етишиб чиқди ва ўз ижоди билан Иттифоқимиз ҳамда чет элларга танилди. Айниқса сўнгги йилларда қатор ёш умидли бастакорлар санъат даргоҳига дадил кириб келдилар ва кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлдилар.

Ҳа, бугунги кунда ёш ижодкорларга эътиборни янада кучайтириш ҳақида кўп гапириляпти. Хўш, жумҳурият бастакорлар уюшмасида бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти? Шу ҳақда маълумот олиш ниятида Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси Ёшлар кенгашининг раиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, СССР бастакорлар уюшмасининг аъзоси Аваз Мансўров билан суҳбатлашдик.

— Аваз Мақсудович, суҳбатимизни уюшманинг Ёшлар билан ишлаш кенгаши қачон ташкил этилганидан бошласак.

— Ушбу кенгаш 1972 йилда ташкил топган. Ҳозирги кунда номлари Иттифоқимизга ва ҳатто чет элларга танилган, ҳозирда ўрта авлодга мансуб кўпгина бастакорларимиз ёшлар кенгашининг қалдирғочлари бўлишган. Қалдирғочлар орасида Рустам Абдуллаев, Мирхалил Маҳмудов, Наталья Морункова, Улуғбек Мусаев, Дилором Сайдаминова сингари таниқли ижодкорлар бор эди. Кенгашнинг биринчи раиси Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти, профессор Сайфи Жалил бўлганлар. Кейинчалик ёшларга Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мирхалил Маҳмудов бошчилик қилди. 1986 йилдан эса раҳбарлар бу ишни менга ишониб топширишди.

— Бугунги кунда ҳам қатор истеъдодлар кашф этиляпти. Шулардан кимларни озми-кўпми эд назарига тушган, дея оласиз?

— Умидли ёшларимиз кўп. Бундан хурсандмиз. Айниқса Нуриддин Ғиёсов, Анвар Эргашев, Дилором Омонуллаева, Дилбар Қодирова, Алишер Расулов каби бастакорлар, Оқил Иброҳимов, Сойиб Бегматов, Умида Авлонова сингари мусиқашуносларнинг номларини алоҳида таъкидламоқ даркор. Ҳозиргача улар амалга оширган ишлар, яратган мусиқалар таҳсинга лойиқдир. Мусиқашуносларимиз ёзган мақолалар эса газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинган ва муштарийлардан муносиб баҳосини олган.

— Қардош жумҳуриятлар ёш ижодкорлари билан ижодий алоқалар қандай?

— Ижодий алоқа қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, иш шунчалик унумли бўлади. Бу ҳар бир ижодкор учун жуда муҳим. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ёш бастакорларининг мусиқа анжуманини биринчи бўлиб биз бошлаб берган эдик. Бу тадбирни қардошларимиз қизғин қўллаб-қувватлашди. Ушбу анжуманларда ёш бастакорларнинг асарлари ижро этилади, ижодини учрашувлар ва баҳслар бўлиб ўтади. Иккинчи фестиваль 1988 йилда Фрунзе шаҳрида муваффақиятли ўтган эди.

Яқинда бўладиган учинчи анжуман эса Олмаотада ўтади. Бўлажак сафарга биз ҳам жиддий тайёргарлик кўряпмиз. Умуман олганда ёшлар билан ишловчи киши доим изланишда бўлиши керак, деб тушунаман. Учрашувлар мулоқотлар, устозлар билан суҳбатлар қанчалик кўп бўлса, катта санъатга эндигина кириб келаётганлар учун шунча яхши.

— Оқшомхонларга тилакларингиз.

— Аввало сиҳат-саломатлик, оилаларида тотувлик тилайман.

Суҳбатни Ҳасан ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.

ТАНБУР НАВОЛАРИ

ТАНБУР — ўзбек халқининг қадимий миллий чолғу асбобларидан биридир. Эндиликда жойларда ёш созандалардан иборат танбурчилар ансамбллари тузилмоқда. Бундай ҳайрли тадбирни амалга оширишда Совет болалар фондининг Ўзбекистон бўлими яқиндан ёрдам бермоқда.

Фонд ихтиёрида жамғарилган маблағнинг бир қисми танбур чолғу асбобини кўплаб ясаш, ёш ижрочилар ансамбларини тузишга сарфланмоқда. Тошкентдаги 23-музика мактабида яқинда ташкил қилинган «Созанда» танбурчилар ансамбли ана шундай бадиий ҳавасқорлик коллективларидан бири бўлди.

Тошкент давлат консерваторияси миллий чолғу асбоблар лабораторияси ансамблни ўз оталиғига олди. Лаборатория раҳбари доцент Б. Раҳимжонов бошчилигида ёш танбурчилар «Ажам тароналари», «Учта рақс», «Қашқарча» каби куйларни ўрганиб, концерт программасига киритдилар.

Бу бадиий ҳаваскорлик жамоаси ортирган тажриба бошқа нафосат масканларида ҳам қўл келмоқда. Жумладан, 21-мактабда яқинда иш бошлаган ёш танбурчилар ансамбли ҳам ўз фаолиятини жонлантириб юборди.

«Созанда» танбурчилар ансамбли эса жумҳуриятимиз бўйлаб сафар тараддудини кўрмоқда.

Анбар АЛИЕВ.

Назм дафтаридан

САОДАТДАН ИБОРАТ

Ишқ мулкинда мен тиклаган иморат,
Фақат меҳру муҳаббатдан иборат.
Бир олам яратдим дунё ичинда,
Бунда севги карсматдан иборат.

Вафо зийнатимиш дилбар қасрининг
Кошонаси садоқатдан иборат.
Пок меҳримга ҳасад қилган шум рақиб,
Иши иғво, маломатдан иборат.
Дилбар учун армуғоним бир олам,
Бахту-иқбол, саодатдан иборат.
Ишқим саройининг малак сиймоси,
Ениб турган назокатдан иборат.
Қувонч деб чекканинг, эй, Ошиқ Эркин,
Бари заҳмат жасоратдан иборат.

СЕНИ КЎРСАМ

Келар жунбушга жоним ҳар сафар сени кўрсам,
Ишқ элига султоним, ҳар сафар сени кўрсам.
Жондек олиб қўйибсан орому қароримни,
Нурга тўлар осмоним ҳар сафар сени кўрсам,
Таъқиб этиб борурман изйигдан ўғрин-ўғрин,
Яйраб жону жаҳоним ҳар сафар сени кўрсам.
Ишқимни писанд этмас парвойи палаксан сен,
Унут бўлар хижроним ҳар сафар сени кўрсам,
Айтмоққа битта сўзни дов бермайди юрагим,
Эй, лаъли бадаҳшоним, ҳар сафар сени кўрсам.
Авжи етиб фалакка, сиғмайдур, Ошиқ Эркин,
Юракларга туғёним, ҳар сафар сени кўрсам.
Ошиқ ЭРКИН.

ЎТАБЕРСИН ЮРТЛАР ОЛДИНГДАН

Кўзларимга тўтиё юртсан,
Кўзларимга нур-зиё юртсан.
Заррача ҳам айб, гуноҳи йўқ,
Осмон кабн мусаффо юртсан.
Сени қайси юртга қиёслай?
Қумлари ҳам зар, тилло юртсан.
Ўтаверсин юртлар олдингда,
Юртлар ичра бебаҳо юртсан.

Дунё кезса тенгинг топилмас,
Дунё ичра бир дунё юртсан.

ШОИР ХАЛҚ

Ўзбегим — улуғ халқ, эмасдир элат.
Тагли-тугли халқ, у, баркамол миллат.
Уйи-жойи тайин, рўзғори бутун,
Қоғоз, гулдан ясар ўчоқ ва ўтин.
Оддий гапларин ҳам шеър қилиб айтар,
Ширин суҳбатига кўрк берур байтлар.
Гаштак билан ўтар қиш кечалари,
Чопиб хизмат қилур мард чечаларн.
Тонгда ҳам тугамас бошласа гурунг,
Адоват, ғийбатга қолмайди ўрин.
Қизиқдир латифа ва чўпчакларн,
Кулгидан узилай дер, ичакларинг.
Дилкаш, сахийлигин боиси шунда,
Ўзгага ҳасад ё ғараз йўқ унда.
Эрта-кеч юмушдан қўли толмайди,
Илоҳа меҳнатдан кўнгли қолмайди.
Ўзбегим — улуғ халқ, эмасдир элат,
Тагли-тугли халқ у, баркамол миллат.
Талъат СОЛИЕВ.



«ТИЛЛАҚОШ ЯРАШИБДИ, ДУГОНАЖОН». Т. Каримов сурати.

ЖАРАНГДОР ЧИННИЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида Хитой ҳамда Япония халқ усталарининг XVII — XX асрларда яратилган чинни кўргазмаси очилди. Кўргазма залларига турли хилдаги чинни идишлар, уй-рўзғор буюмлари ва ҳайкалчалар қўйилган.

Маълумки, Хитой VI асрда жаҳонда биринчи бўлиб чинни ишлаб чиқара бошлаган. Томошабин диққатини айниқса XIX асрда ишланган катта гулдонлар ўзига тортади. Бундай гулдонлар сарой ҳамда олимлар уйини безаш учун ҳамда чет мамлакатларга харидга чиқарилган. Кўргазмадаги Ўрта Осиёга сотиш учун XIX—XX асрларда махсус ясалган норинтовоқлар, коса, пиёла, кўзалар киши диққатини ўзига тортади. Бу идишлар хитой халқ усталари Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг ўзига хос миллий томонларини акс эттирганлар. Томошабинлар залларни айланиб, япон халқ усталари ниҳоятда нозик дид билан яратган чинни буюмларни кўриб усталарга тасанно айтишмоқда.

Барно РАҲИМОВА, Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи Шарқ бўлимининг мудири.

УНУТИЛГАН АДАБИЙ ШАКЛЛАР

Тазкиралар одатда муаллифдан аввал ўтган, унга замондош шоир, олим, фозил сиймолар ҳақида қисқа, лекин энг муҳим маълумотларни келтиради. Уларни бошқа бирон манбадан топиш қийин. Масалан, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида тўрт юз эллик тўққиз фозил сиймолларнинг ўзига хос фазилатлари ҳақида ҳозирча бирон бир маҳозда учрамайдиган нақлиётлар ҳақида баён қилган. Исҳоқ Боғистонийнинг 1730 йилда битилган «Тазкирайи қаландарон» асари эса ажойиб ривоятлари билан ўзбек адабиётшунослигида беқиёс деса бўлади.

Ўзбек классик адабиёти тарихида баёз тузиш анъаналари ҳам алоҳида моҳият касб этган эди. Ўзига хос хусусияти шундаки, уларда адабиётимиз тарихида машҳур бўлган муаллифлар билан бир қаторда классик аъшориятга озми-кўпми ҳисса қўшган, аммо барҳаётлигида девон тузиш бахтига муяссар бўлолмаган, адабий асарлари унутилиш даражасига етган шоирларнинг ҳам асарлари киритилиб, бизгача етиб келган. XIX асрнинг охири ва XX асрбошларида Туркистонда босмахона ишлари йўлга қўйилгач, кўплаб тошбосма баёзлар нашр этилди. Масалан, «Баёзи Мужалло», «Баёзи Собир», «Баёзи Васлий», «Баёзи Ҳазиний», «Армуғони Хислат», «Ҳадяи Хислат», «Савғоти Хислат», «Савғоти Мискин», «Савғоти Шавкат» ва ҳоказолар.

Афсуски, инқилобдан кейинок минг асрлик муқаддас анъанага эскилик қолдиғи деган тавқи лаънат тамғаси босилиб, адабиётшунослигимиз жароҳатидан ўчириб ташланди. Хўш, нима учун шундай деган надоматли ва ҳайратомуз савол вужудимизни ларзага солиб келмоқда. Олтмишинчи йилларда нисбатан баёзчилик тиклангандек бўлди. Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Туроб Тўла каби шоирларнинг жажжи чўнтакбоп шеърий бадиаълари нашр этила бошлади. Аммо орадан сал ўтмай бу яхши ташаббус ҳам сўнди.

Тазкирачилик масаласига келсак, бу шакл ҳам инқилобдан кейин ҳозирги адабиётшунослигимизда бутунлай кўринмай қолди. Ахир улар орқали ижодкор қалам соҳибларининг қайси даврда чеккан машаққатлари-ю, адабиёт хазинасига қўшган ҳиссаларини ўқиб билардик.

Инқилоб арафасида ва инқилобдан сўнг янги замон адабиётни яратиш ва ривожлантиришда кўплаб истеъдодли шоирлар қалам тебратдилар. Лекин, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бирор аниқ маълумот билмаймиз.

Йиллаб тўкилган сермашаққат меҳнат туфайли олим М. Зокировнинг тазкира шаклидаги «Тирик сатрлар» номли асари дунёга келди. Бу эса адабиётимиз тазкирачилигининг XX асрда яратилган ёрқин намунаси эди. Ҳозир қадимий адабиётшунослик анъаналарини тиклаш ҳаёт талаби бўлиб қолмоқда. Албатта, бунда замонамиз адабиёт ихлосмандларининг маънавий талаб ва эҳтиёжлари инобатга олиниши зарур.

Мираббос ИНОЯТЗОДА, «Миконд» заводининг ишчиси.

—1—

Бу воқеа 1985 йил, март ойида бўлган эди.

Икки соатдан буён юраги санчиб, ярим қоронғу коридорда човига салом бериб, баъзан бошини қўтариб, баъзан қийшайиб, уҳ тортиб, ҳаёлот денгизига ғарқ ўтирган профессор Мир Вали Мавлонзодани ниҳоят ичкарига, партия бюроси тўпланган хонага чақиришди. Боятдан бери уни кузатиб, хона бурчагида, телефонлар ёнида ўтирган котиба аёл, иттифоқо, ичкарига киринг, деб имо қилди, ўзи ҳар гал масаласи кўриладиган кимсани бошлаб олиб кириб, яна қайтиб чиқарди. Худди шундай қилди. Кимдир бу аёлни «Васка» дебди, Бешёғочдаги қушхона қўтанида сўйилишга маҳкум юзлаб қўйларни шу эчки ичкарига бошлаб кириб, улар оёғидан илиниб, териси шилинаётганда, иркит соқолини селкиллатиб яна қайтиб чиқар экан...

Мавлонзода ичкарига кириб, қовоқлари солиқ, хўмрайган бюро аъзолари рўпарасида тик турди. Кимдир бош қимирлатиб «ўтиринг!» ишорасини қилди. Мавлонзода стул қолиб, девор тагидаги юмшоқ диванга чўкди. Кўзлари ола-кула бўлиб турган бу жиддий мажлис раиси Мавлонзоданинг ёшини ҳисобга олдими, диванга чўккanига индамади. Аслида стулга ўтириши керак эди.

— Хўш, Мавлонзода, қалайсан? — деди Ҳусаинов деган қотма одам яқинроқ келиб, ошнасидек елкасига қўл ташлаб. Аммо Мавлонзода унинг қўли текканидан сесканиб кетди. Улкан ва оғир кемаларни кифтида кўтарган денгиз бир мисқол тошнн кўтаролмаганидек, елкасини қийшайтириб, унинг қўлини олишга мажбур этди. Ҳа, бир қоп буғдойни елкада бемалол кўтариб кетиш мумкин, аммо юзга қўнган бир мисқол келмайдиган пашшани бир лаҳза ҳам кўтариб туролмайди инсон.

— Яхши, яхши... — деди руҳи паст Мавлонзода инграгандек овоз чиқариб.

— Устингдан жуда қаттиқ ариза тушибди. Кўп фактлар тасдиқланмоқда...

— Беко-о-р г-а-а-п-п!

— Айтгинчи, нега сенинг фамилиянг Мавлонов эмас, Мавлонзода?

— Нима бўпти? Бизда Ҳамза Ҳакимзода, Шайхзода, тожикларда Турсунзода, Улуғзода, озарбайжонларда Маммадқулизодалар бор, улар улуғ одамлар... Улуғ одамларга маломат тошини отманг... — деди тўнғиллаб Мавлонзода.

— Сени Эрон шпиони деб ёзибди, фамилиянгдан ҳам, бурнингни узунлигидан ҳам кўриниб турибди!

— Мен қандай қилиб Эрон жосуси бўларканман! Мен ўзбекман, тожик тилини яхши биламан, бу тилни билмаган зиёли яхши зиёли эмас! Тожик тили улуғ Шарқ мамлакатлари тилига олтин калит. Билиш керак! Жосус бўлиш учун ҳам кишида «талант» бўлиши керак! Менда ундақа «талант» йўқ, дарсимни бераман, келаман, кўк чойимни ичаман... шахматимни ўйнайман, телевизоримни кўраман. Вассалом! Ғаламислар, фамилям «зода»бўлса, албатта Эрон жосуси бўлаверараркан-да!? Пораҳўр деган тавқи лаънатни бошимизга илишаяпти. Бу ҳозир мода! Гдлян деган терговчи отасини ушлаб, болаларигача, хотини-ю, онасигача қамаяпти... Таржиман ҳолимни яширган эмишман, отам домла-имом бўлган, онасининг қазосида жаноза ўқитди... деб ёзибди. Ёнида партбилети бўлатуриб ўзи худога ишонади, дебди. Мутаассиф шахс, дебди. Бу юмалоқ хатни ёзганларни биламан! Улар анави иғвогар! Миёнхўжа! Бу тўртинчи юмалоқ хат. Уларнинг ёзмаган маъмурий ташкилотлари қолмади. Улар умр бўйи ёзиб ўрганганлар, 1937 йилнинг «соҳибқиронлари» ҳам улар! Ярамаслар иғвогарлигини ўз уруғлари ҳам билади. Лекин юқорида ўтирган ўша Гдлян отнинг қашқасидек ҳаммага маълум, юмалоқ бўлса ҳам барибир муҳокама қилиш керак деб, устига имзо чекиб, бошлангич партия ташкилотига юборибди-да! Бу, тўғри эмас!!! Туҳмат!

— Туҳмат эмас! Жиддий! Комиссия текшириб чиқди. Шу, саксон олтинчи йилнинг январидан бошлаб тешираиз. Тасдиқланди! Ўн уч одам қўл қўйган. Ўз ошналаринг ҳам имзо чеккан. Сен ўтмишни ҳам идеаллаштирасан! Устингдан ёмон хат тушиб, ҳаммаси тасдиқланган. Тамурланни ҳам махтагансан! Бошимиз қотиб қолди, сен ўзинг лаънати ўтмишингни ҳам яшириб, ярамас проступкаларинг билан партия сафига кириб олгансан! Ўтмишингга тупуришинг керак. Маслаҳатим шу, тупур ўтмишингга!!!

— Тупурадиган ўтмишим йўқ! «Тамурланг» эмас, саркарда Амир Темур, билиб айтиш керак. Агар тупуриш керак бўлса сенинг башарангга тупураман! — деди Мавлонзода титраб, кўкариб судан чиқиб қолган балиққа ўхшаб оғзини каппа-каппа очиб.

— Ой, ой, ой! Ўзингга қийин бўлади! Бундоқ гаплар айтишга ярамайди!

Мавлонзода диванда миқ этмай ўтирганча ўтираберди...

—2—

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

МАЛОМАТ ТОШИ

Ҳикоя

—3—

— Нега миқ этмайсиз? — деди яна бир мансабдор бюро аъзоси. «сизлаб», лекин унинг ҳам сочи тикка бўлган эди. — Гапиринг! Нега иккиюзламачилик қилдингиз? Нега онангизга жаноза ўқитиб, ўзингиз чопон кийиб, бел боғлаб турдингиз? Коммунистлик қани!? Диний киши бўлсангиз, нега партия сафига кирдингиз!? Қуръон ўқилиб, тиловат қилганда кўзингизни юмиб, астойдил юзингизга фотиҳа тортибсиз! Кўрганлар бор! Суратга ҳам олишган. Кинолентага ҳам олишган! Бу иккиюзламачилик эмасми!? Жавоб беринг!? Нега индамайсиз? Нега пинагингизни бузмайсиз! Сиз ўзингиз қанақа инсонсиз! Ҳайф сизга профессор деган ном!

— У ўзини касалликка солиб, раҳмимизни келтирмоқда, — деди яна бири. — Илгариги муҳокамага келмай бюллетен олиб, қочиб юрган эди. Ўша сохта бюллетенлар ҳам делога тиркалган! У яна бир муҳокамада мана шундай миқ этмай ўтирди. Шу йўл билан қутулиб кетмоқчи бўлди... Бу симулянтларни яхши биламиз! Идеологик қурашда компромисс бўлмайди: биз буржуа ғояларини тарғиб қилиб келган, қандайдир «Наврўз» деган диний, эроний, яъни «нав» — эронча «янги» дегани, қандайдир чирик маросимларни топиб, ёш авлод эсига солиб, ёшларни заҳарлаётган шахсга бешафқат бўлайлик, ўртоқлар! Юқоридан бир раҳбаримиз айтдилар-ки, Наврўз диний маросим! Худосизларни қўпайтиринглар, худосизлар — олижаноб инсонлар, худосизликни ёшларнинг миясига сингдиринглар, дедилар. Ҳайит-номозда масжидга боласини етаклаб бораётган онгсиз оталар ҳам бор! Баъзи амалдорларнинг ҳайит-номозга келган машина номерларини ёзиб олганмиз, суврати ҳам олинган. Мана, уни «Ўртоқ» дейишга тилим бормайди, мана шу Мавлянзада безбет бўлиб, ҳеч нарсани билмагандай ўтирибди. Гапир, Мавлянзада, сен ўзинг кимсан?!

—4—

— Энди шуни ўйлаб топдингизми?! — деди яна бир ғўдайган мансабдор миқ этмай ўтирган Мавлонзодага дўқ уриб, — жим туриш... ҳокисор бўлиш... Шу йўл билан қутулиб кетиш... Йўқ-й-ўқ! Бунақаси кетмайди! Биз бугун сизни яхшилаб муҳокама этиб, паттангизни қўлингизга беришимиз керак! Бошқача бўлиши мумкин эмас! Уят сизга! Шунча расвогарчиликлар қилиб, яна миқ этмасдан ўтирибсиз! Қайси юз билан бизларга қарайсиз, сизда юз деган нарса борми! Иккиюзламачи бўлиб қолгансиз! Бу — фожиа! Хавфли фожиа! Авлодни сақлаб қолишимиз керак!

— Бу ер — партком, чойхона эмас! Нега миқ этмайсиз!? Жавоб беринг, Мавланзода!? — деди яна бир сумрайган кимса фаоллик кўрсатиб, шикоят устига опа қўл қўйиб юборибдилар-а! Бу ҳазилакам гап эмас. Бошланғич партия ташкилотимиз шаънига иснод! Халққа ва бизнинг институтимиз шаънига иснод келтирадиган ириган-чириган знёлилар сафимизда турмаслиги керак!

Мавлонзода миқ этмаганча диванда ўтираберди.

— Мен сизни «Афандим» деб юборгим келяпти. Сиз, баъзан ҳожи тўппи кийиб, турк афандиларига ўхшаб юрасиз. Нега ўғлингизнинг исмини Анвар қўйдингиз? Яна бир ўғлингизнинг отини Талъат қўйгансиз! Анварпошшо, Талъатпошшоларни қўмсаб бу исмларни қўйгансиз! Бунинг тагида гап бор. Мана шу ўртоқ Мавлонзода, э, кечирасизлар у бундан буён менга «ўртоқ» бўлолмайди, мана шу шахс Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ўз уйида қирқ йил яшириб сақлаб, уруғ-аймоқларига ўқитиб келган. Бу — факт! Мана шу Мавлонзода доимо ўзбек тилида гапириб, «революция» сўзини «инқилоб» деган, «Совет Амударёси» дейиш ўрнига «Амударё» деган, хўш, қайси Аму? Ахир бу Амударёнинг ярмиси буржуа Эрон ва феодал Афғонистонга қарайдику! Бу дарёнинг ярмисидан Зоҳиршоҳлар, Шаханшоҳ Пахлавийлар сув ичган-ку! Мавлонзода синфийликни атайи қўлдан беради. Бу, тасодифи эмас! Унинг бир акаси 1924 йилда Германияга ўқишга бориб, у ерда қолиб кетган эмиш.. Мана бу қўйилган асосий айблардан биридир! Бу фактни яшириб келган. Сажараси бор эмиш, асли наслу насаби темурийларга туташармиш, шу сабабли ҳам оти Мир Вали, яъни Амир Вали, демак... Мана, кўрдингизми, қанча гап бор! Бу сирру асрорларини яшириб, сафимизга кириб олган! Ҳайф унга Совет даврмиз!

— Бечора туни билан ухламай чиққанга ўхшайди... Ха-ха-ха-ха! Бир пас мизғиб олсин, ха-ха-ха-ха!

— Э, бу шармандалик-ку! Шу ерда ухлайдими? Ухлаш деган нарса шу бугун унинг кўнглига сиққанига ҳайронман. Бюрони менсимаяпти. Унинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаяпти-ку, бунинг бамайлихотир ухлашига қаранглар! Ё тавба, бундақа аёр одамни биринчи кўришим! Эҳтимол юқори ташкилот бу одамнинг кимлигини яхши билса керак, шунинг учун ҳам «Унга нисбатан қаттиқ чора кўринглар...» деди. Айтиб бўлмайдиган бир гап бор... Масъул кишилардан бири уни «профессор» эмас, аблаҳ деганини ўз қулоғим билан эшитганман. Дарҳақиқат, Мавлонзода бу гапдан узоқ одам эмас, — деди ухлаб ётган профессор эшитиб қолмасин деб шивирлаб.

— Э, туринг! Юрагимизни сиқиб юбордингиз-ку, Мавлонзода! — Ҳусаинов яна яқин бориб унинг елкасига туртиб, сал итарган эди, профессор гуп этиб ёнига қулади... — Ия, бу нима ўзи? Ўзини касалликка соляптими?

Бошқа бир бюро аъзоси Мавлонзоданинг теласига келиб, бақрайиб ётган кўзига қараб, юраги шиғиллаб кетдй. Ёнидаги гугуртини чақиб, оловни унинг бурнига яқин олиб келди. Нафас деган гапдан дарак йўқ... Билагини ушлашдй, томирлар тўхтаган. Кўксига қулоқ солишдй, гурс-гурс-гурс урган юрак батамом тўхтаган...

— Ия, ўлиб қолипти. Менимча кирган заҳоти ўлган бўлса керак... тани совиб қолибди-ку! Биз бўлсак сўроқ қилиб ўтирибмиз.

— Доктор чақириш керакмикан?

— Фойдаси йўқ...

— Бизлар жавобгар бўлмаймизми? — деди ранги оқариб Ҳусаинов.

— Нега жавобгар бўламиз! Биз уни ўлдирибмизми? Ўзи ўлди...

— Ҳа, ўзи ўлди...

— Ўзи ўлди...

— Ўзи ўлди...

— Ўлмай ўлсин, бюро мажлисида ўладими? Қандай расво одамлар-а! Бола-чақасининг ёнига бориб, тинчгина ўлмайдими! Ҳаммани ташвишга солиш нега керак!

...Мавлонзоданинг уйига хабар қилинди, икки соатлардан кейин қий-чув, йиғи-сиғи билан ўғил-қизлари унинг жасадини машинага солиб олиб кетишди...

Эрталаб Мавлонзода жасади солинган тобут институтнинг катта залига қўйилди. Баъзиларнинг жанозасидек телевидение, радио орқали жар солинган бўлмасада, аммо мингларча одам наинки зал, бутун институт майдонига тўлиб, кўчаларда транспорт қатнови тўхтаб қолди...

Кеча тирик юрган профессор кеч, кун ботишга яқин гўрга кирди, бир кунгина ўз уйида ётмади. Бу қазони эшитган одамлар, бутун шаҳар, балки бутун жумҳуриятнинг юрагига совуқ бир андуҳ чўкиб, одамлар дилдан ачинишди. Айниқса, жумҳуриятимиз ноҳияларида хизмат қилаётган унинг собиқ талабалари жуда ачинишди. Йиғлаганлар ҳам бўлди...

1990 йил.

Муҳаррир ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Сафарингиз бехатар бўлсин!

Йилнинг исталган фаслида ҳам мароқли саёҳат қилиш мумкин. Аммо баҳорда сафар қилишнинг завқи ўзгача. Рутубатли қиш уйқусидан кўз очган ҳамиша навқирон табиат, илиқ, оромижон баҳор қуёши, энг муҳими, Ватанимизнинг осуда ва сўлим гўшаларига қадам ранжида қилиш истироҳатингиз қалб дафтарингизда унутилмас саҳифа бўлиб қолишининг гаровидир!

САЁҲАТ ИЎЛЛАНМАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЛАБ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

АПРЕЛДА

3,5, 10 КУНГА

Друскининкай, 13-24 апрель кунлари. Баҳоси — 309-сўм.

Игналина, 26-30 апрель кунлари. Баҳоси— 229 сўм.

Шяуляй («Интурист» меҳмонхонаси), 17-21 апрель кунлари. Баҳоси-241 сўм.

Лиепая-Кандава, 19-27 апрель кунлари. Баҳоси — 319 сўм.

Москворечье, 9-18 апрель кунлари. Баҳоси — 247 сўм.

Севастополь, 5-9 апрель, 29 апрель-3 май кунлари. Баҳоси — 210 сўм.

Одинцово (Подмосковье), 3-7 апрель кунлари. Баҳоси —214 сўм.

Мариамполе, 16-20 апрель кунлари. Баҳоси —228 сўм.

Ереван, 13-17 апрель, 28 апрель-2 май кунлари. Баҳоси — 209 сўм.

Бирштонас («Неман» меҳмонхонаси), 6-15 апрель кунлари. Баҳоси—284 сўм.

Вильнюс-Лиепая, 16-27 апрель кунлари. Баҳоси — 387 сўм.

Каунас, 16-20 апрель, 2-6 май кунлари. Баҳоси — 231 сўм.

Юрбаркас, 23-27 апрель кунлари. Баҳоси — 246 сўм.

Олмаота, 6-8, 20-22 апрель, 30 апрель-2 май кунлари. Баҳоси — 96 сўм.

Киев (Пушча-Водица), 30 апрель-4 май кунлари. Баҳоси — 251 сўм.

Калининград — Каунас, 12-21 апрель кунлари. Баҳоси — 324 сўм.

Олмаота, 19-23 апрель, 28 апрель — 2 май кунлари. Баҳоси— 138 сўм.

Волгоград, 16-20 апрель кунлари. Баҳоси — 195 сўм.

Харьков («Интурист» меҳмонхонаси), 30 апрель — 4 май кунлари. Баҳоси — 267 сўм.

Юрмала, 3-7, 23-27 апрель кунлари. Баҳоси — 273 сўм.

Рига, 6-10 апрель кунлари. Баҳоси — 250 сўм.

Резекне, 23-27 апрель кунлари. Баҳоси — 264 сўм.

Москва, 7-9, 14-16, 27-29 апрель кунлари. Баҳоси — 166 сўм.

Москва («Измайлово»), 8-12, 16-20 апрель кунлари. Баҳоси — 228 сўм.

Ивано-Франковск, 9-13 апрель кунлари. Баҳоси — 243 сўм.

Митишчи (Москва), 27 апрель — 2 май, 28 апрель — 3 май кунлари. Баҳоси — 222 сўм.

Рига, 4-8, 25-29 апрель кунлари. Баҳоси — 262 сўм.

Минск (Молодечно), 10-14 апрель кунлари. Баҳоси — 240 сўм.

Вильнюс-Лиепая, 10-21 апрель кунлари. Баҳоси — 356 сўм.

Паневежис, 18-22 апрель кунлари. Баҳоси — 268 сўм.

Вентспилс — Резекне, 16-22 апрель кунлари. Баҳоси — 301 сўм.

Красногорск (Москва), 28 апрель — 1 май кунлари. Баҳоси — 212 сўм.

Киев, 26-30 апрель кунлари. Баҳоси — 275 сўм.

Калининград, 6-10 апрель кунлари. Баҳоси—210 сўм.

Москва («Измайлово»), 4-13 апрель, 23 апрель-2 май кунлари. Баҳоси — 315 сўм.

Москва, 15-21 апрель кунлари. Баҳоси — 261 сўм.

Киев, 21-30 апрель кунлари. Баҳоси — 327 сўм.

Киев, 9-13 апрель, 30 апрель — 4 май кунлари. Баҳоси — 229 сўм.

Тбилиси («Интурист» меҳмонхонаси), 28 апрель — 2 май кунлари. Баҳоси — 270 сўм.

Кишинёв («Интурист» меҳмонхонаси), 25-29 апрель кунлари. Баҳоси — 308 сўм.

Урганч (Хива), 20-22 апрель кунлари. Баҳоси — 88 сўм.

Сухуми, 30 апрель — 4 май кунлари. Баҳоси — 171 сўм.

Москва, 29 апрель — 2 май, 30 апрель — 3 май кунлари. Баҳоси — 172 сўм.

15, 20 КУНГА

Сочи, 8-28 апрель кунлари, 29 апрель-19 май кунлари. Баҳоси — 370 сўм.

Кисловодск, 4-23 апрель кунлари. Баҳоси — 319 сўм.

Батуми, 27 апрель — 17 май кунлари. Баҳоси — 337 сўм.

Ессентуки, 30 апрель — 19 май кунлари. Баҳоси — 318 сўм.

Сочи, 21 апрель — 11 май кунлари. Баҳоси — 401 сўм.

Пятигорск, 21 апрель-10 май кунлари. Баҳоси — 319 сўм.

Лазаревское (Сочи), 29 апрель — 19 май кунлари. Баҳоси — 373 сўм.

Евпатория (даволаниш билан), 18 апрель — 8 май кунлари. Баҳоси — 366 сўм.

МАЙДА

3, 5, 10 КУНГА

Митишчи (Москва), 6-10 май кунлари. Баҳоси — 222 сўм.

Рига, 9-13, 16-20, 23-27 май кунлари. Баҳоси — 262 сўм.

Ленинград («Репинская» меҳмонхонаси), 26 май —4 июнь кунлари. Баҳоси — 332 сўм.

Минск (Молодечно), 14-18 май кунлари. Баҳоси — 240 сўм.

Лиепая (Рига), 5-9 май кунлари. Баҳоси — 256 сўм.

Вильнюс-Лиепая, 8-19 май кунлари. Баҳоси — 356 сўм.

Клайпеда, 13-17 май кунлари. Баҳоси — 233 сўм.

Калининград (Москва), 4-8, 18-22 май кунлари. Баҳоси —210 сўм.

Алитус, 1-5 май кунлари. Баҳоси — 235 сўм.

Красногорск (Москва), 18-22 май кунлари. Баҳоси — 212 сўм.

Москва, 3-12, 17-26 май кунлари. Баҳоси — 315 сўм.

Тбилиси («Интурист» меҳмонхонаси), 7-11 май кунлари. Баҳоси — 270 сўм.

Гомель-Чернигов-Минск-Брест, 2-11 май кунлари. Баҳоси — 303 сўм.

Кишинев, 1-5, 5-9 май кунлари. Баҳоси — 308 сўм.

Вильнюс-Лиепая, 22 май — 2 июнь кунлари. Баҳоси — 356 сўм.

Вильнюс-Минск, 21-30 май кунлари. Баҳоси—342 сўм.

Вильнюс, 7-11 май кунлари. Баҳоси — 227 сўм.

Вильнюс-Клайпеда, 28 май — 6 июнь кунлари. Баҳоси — 331 сўм.

Одинцово (Москва), 2-6 май кунлари. Баҳоси — 214 сўм.

Ростов, 6-10 май кунлари. Баҳоси — 228 сўм.

Минск (Лида), 10-14 май кунлари. Баҳоси — 253 сўм.

Ереван, 18-22, 25-29 май кунлари. Баҳоси — 209 сўм.

Киев, 22-31 май кунлари. Баҳоси — 327 сўм.

Нарва, 11-14 май кунлари. Баҳоси — 235 сўм.



Шяуляй («Интурист» меҳмонхонаси), 7-11 май кунлари. Баҳоси — 246 сўм.

Мукачево («Латорица» меҳмонхонаси). 30 май — 8 июнь кунлари. Баҳоси — 294 сўм.

Друскининкай, 7-18 май кунлари. Баҳоси — 309 сўм.

Шилялис, 6-12 май кунлари. Баҳоси — 268 сўм.

Владимир, 21-25 май кунлари. Баҳоси — 216 сўм.

Каунас, 7-11, 21-25 май кунлари. Баҳоси — 231 сўм.

Калининград — Каунас, 17-26 май, 27 май—5 июнь кунлари. Баҳоси — 317 сўм.

Олмаота, 25-27, 26-28 май кунлари. Баҳоси — 96 сўм.

Химки (Москва), 8-12 май кунлари. Баҳоси— 199 сўм.

Каунас-Минск, 21-28 май кунлари. Баҳоси — 307 сўм.

Сочи (Дагомис), 4-14, 15-25 май кунлари ва 26 май-5 июнь кунлари. Баҳоси — 257 сўм.

Волгоград, 6-10 май кунлари. Баҳоси — 180 сўм.

Юрмала, 14-18, 20-24 май кунлари. Баҳоси—273 сўм.

Севастополь, 3-14 май кунлари. Баҳоси — 303 сўм.

Москва, 17-19, 18-20 май кунлари. Баҳоси — 166 сўм.

Москва, 6-9, 7-10 май кунлари. Баҳоси — 172 сўм.

Москва («Измайлово»), 2-6, 7-11, 14-18, 21-25, 26-30 май кунлари. Баҳоси — 228 сўм.

Игналина, 10-14 май кунлари. Баҳоси — 229 сўм.

Харьков («Интурист» меҳмонхонаси), 7-11 май кунлари. Баҳоси — 267 сўм.

Ивано-Франковск, 14-18 май кунлари. Баҳоси — 242 сўм.

Рига, 7-11 май кунлари. Баҳоси — 245 сўм.

Кохтла-Ярве, 14-18 май кунлари. Баҳоси — 237 сўм.

Сухуми, 7-11 май кунлари. Баҳоси — 171 сўм.

15, 20 КУНГА

Алушта, 16 май-5 июнь кунлари. Баҳоси — 351 сўм.

Пятигорск, 11-30 май кунлари. Баҳоси — 319 сўм.

Кисловодск, 5-24 май кунлари. Баҳоси — 332 сўм.

Тирасполь, 17-31 май кунлари. Баҳоси — 406 сўм.

Тернополь, 30 май — 14 июнь кунлари. Баҳоси — 343 сўм.

Сухуми, 11-30 май, 30 май-18 июнь кунлари. Баҳоси — 243 сўм.

Ялта, 16 май — 5 июнь кунлари. Баҳоси — 385 сўм.

Лазаревское (Сочи), 20 май — 9 июнь кунлари. Баҳоси—352 сўм.

Одесса, 1-15, 16-30 май кунлари. Баҳоси — 380 сўм.

Адлер, 5-25 май, 26 май — 16 июнь кунлари. Баҳоси — 339 сўм.

Батуми, 22 май — 11 июнь кундари. Баҳоси — 337 сўм.

«Улибишево» саёҳатчилар базаси (Подмосковье), 18 май—6 июнь кунлари. Баҳоси — 345 сўм.

Сочи, 20 май — 9 июнь кунлари. Баҳоси — 370 сўм.

Сочи, 27 май — 16 июнь, 12 май — 1 июнь кунлари. Баҳоси — 401 сўм.

Евпатория, 16-30 май кунлари. Баҳоси — 304 сўм.

Вильнюс-Рига-Таллин, 11-25 май кунлари. Баҳоси — 423 сўм.

Гудаута, 27 май-16 июнь кунлари. Баҳоси — 373 сўм.

Самолётда бориш-келиш ҳақи, овқатланиш, жойлашиш, саёҳат хизмати ҳақи йўлланма қийматига киради.

Болтиқ бўйига саёҳат поезди, 24 апрель-14 май кунлари. Баҳоси—309 сўм.

Бориш-келиш ҳақи, овқатланиш, саёҳат хизмати ҳақи йўлланма қийматига киради.

* * *

Йўлланмаларни сотиш бюроси дам олиш кунларини ўз ичига оладиган уч кунлик автобус йўналишлари бўйлаб гуруҳий йўлланмаларни сотади.

Наманган, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси — 1320 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель кунлари; 4-6 май кунлари.

Қўқон-Ҳамзаобод, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси — 1406 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель;
4-6, 18-20, 25-27 май кунлари.

Фарғона-Ҳамзаобод, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси — 1406 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель;
4-6, 18-20, 25-27 май кунлари.

Фрунзе, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси— 1998 сўм.
20-22, 27-29 апрель;
4-6, 11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Талас, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси — 1320 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель;
11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Шаҳрисабз, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси — 1480 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель кунлари.

Жамбул, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси—1560 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель;
4-6, 11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Конибодом-Исфара-Ленинобод, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси — 1350 сўм.
13-15 апрель;
4-6, 11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Туркистон-Кентов, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси—1665 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель;
4-6, 11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Ўратепа-Ленинобод, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси — 1554 сўм.
6-8 апрель;
4-6, 11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Панжикент-Самарқанд, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси — 1320 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель;
4-6, 11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Қарши-Шаҳрисабз, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси — 1440 сўм. 25-27 май кунлари.

Исфара, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси— 1350 сўм.
6-8, 13-15, 20-22, 27-29 апрель кунлари.
4-6, 11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Самарқанд-Бухоро, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси — 1850 сўм.
4-6, 11-13, 15-17, 18-20, 22-24, 25-27, 27-29 апрель ва 29 апрель — 1 май кунлари;
4-6, 2-4, 6-8, 9-11, 11-13, 13-15, 16-18, 18-20,20-22, 23-25, 25-27 май кунлари.

Навоий-Самарқанд-Бухоро, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси—1800 сўм.
11-13, 25-27 май кунлари.

Янгиобод, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси — 990 сўм.
6-8, 13-15, 20-22 апрель кунлари;
18-20, 25-27 май кунлари.

Чимён, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси —1140 сўм.
20-22, 27-29 апрель кунлари.
4-6, 11-13, 18-20, 25-27 май кунлари.

Ўш, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси—1369 сўм.
25-27 май кунлари.

Кумушкон, сафар муддати икки кун, 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси — 720 сўм.
7-8, 14-15, 21-22, 28-29 апрель кунлари.

Самарқанд, сафар муддати бир кун, 1 гуруҳ, 37 киши. Баҳоси — 629 сўм.
7, 8, 14, 15, 21, 22, 28, 29 апрель кунлари.

Чимкент, сафар муддати бир кун. 1 гуруҳ, 30 киши. Баҳоси — 390 сўм.
7, 8, 14, 15, 21, 22, 28, 29 апрель кунлари.

Автобусда бориш-келиш ҳақи, овқатланиш, жойлашиш, саёҳат хизмати ҳақи йўлланма қийматига киради.

Йўлланмалар сотиб олишга оид барча маълумотларни қуйидаги манзилгоҳдан олишингиз мумкин: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-«а» уй (метронинг «Пахтакор» бекати). Телефон 44-11-92.

«ТОШКЕНТТУРИСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

22-27 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 19.30 ДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

«ЦИРК-МОСКВА» ҲАМКОРЛИК КОРХОНАСИ ТАЪСИСЧИ — В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БОЛАЛАР ФОНДИ

Кўпсонли томошабинларнинг талабларига биноан саҳнада яна — ПСИХОТЕРАПЕВТ-ГИПНОЗЧИ

Анвар ИСОМИДДИНОВ

Душанбе шаҳрининг бош психотерапевти, СССР Фанлар академияси психологлар жамиятининг аъзоси

«АГАР СИЗ МУЪЖИЗАГА ИШОНСАНГИЗ...» ДАСТУРИДАН ОЛТИТА СЕАНС

Сеанслар қашандалик, ичкиликбозлик, кечаси пешобни тута билмаслик каби нуқсонларни тарк этишга ёрдам беради. Уйқусизлик, ҳар хил асаб қўзғатувчи омиллардан халос этади, оғриқ ҳиссини йўқотиб, соғлом нафас олишни тиклайди. Инсонлар руҳиятини ўзаро ҳамжиҳатликка ва бир-бирларига нисбатан оқибатли бўлишга йўналтиради, қон босимини мувозанатлаштиради.

Жарроҳлик операцияларида гипноз воситасида қандай қилиб оғриқсизлантириш самарасига эришиш мумкинлиги намойиш қилинади. А. Кашпировскийнинг айрим сирлари тушунтириб берилади. Бу томошаларда бўлган кишилар эртаси куни белгиланган вақтда ўз уйида ёки ишхонада туриб гипноз сеансининг «гойибона» соғломлаштирувчи таъсирини қайтадан ҳис қилишлари мумкин.

Дастур ва саволларга жавоблар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ХУСУСИЙ СЕАНСЛАР ЎТКАЗИЛМАЙДИ.

12 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР СЕАНСЛАРГА ҚЎЙИЛМАЙДИ.

Чиптлар сотишдан тушган маблағнинг бир қисми хайрия мақсадлари учун сарфланади. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва «Афғон» инвалидлари (гувоҳномани кўрсатиб) **имтиёзли чипта харид қилишлари мумкин.**

Сеанслар танаффуссиз давом этади ва 21.00 да тугайди.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар — 44-35-91, 44-35-84.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

16 апрель соат 19.30 да

УСТОЗ ВА ШОГИРД САНЪАТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Бобомурод ҲАМДАМОВнинг

30 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:

«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ

хонандалар: Каримбой РАҲМОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КаТТА ТЕАТРИДА — 31/III да **Оловдинниинг сеҳрли чироғи** (12.00), **Гўзал Василиса** (18.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Нажот истаб** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/III да **Ана, уна совчилар** (19.00), 31/III да **Анқовлар чайқови** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Фармонбиби аразлади,** 31/III да **Майсаранинг иши, Драма актёрлари куйлайди, Фармонбиби аразлади** (билетлар сотилган, 17.00).

КИНО

30, 31 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САҲРО СИРЛАРИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (кичик зал, 12, 14,30, 17, 19.30).

Чайка — «БЕЙБАРС» (11.00), «ҲЭРРОЛ-СТРИТДАГИ УЙ» (18.30, 20.45).

К. Ёрматов номли — «ХОНГИЛЬ-ДОН» (тоқ соатларда).

Нукус — «СЕВИМЛИ РАДЖА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕВИМЛИ РАДЖА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ТИРИК НИШОН» (11, 14.20, 17.40, 21.00).

Москва — «ҲЭРРОЛ-СТРИТДАГИ УЙ» (11, 13, 15, 17.00).

ЙЎЛОВЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА!

«Кўкча» бекатидаги ҲАЛҚА ЙЎЛИ БЕРКИТИЛИШИ муносабати билан трамвай йўналишлари қуйидагича ташкил этилади:

15-трамвай — «Бешқайрағоч» бекати — 1-ТошМИ бекати».

17-трамвай — «Отчопар» бекати — «Бешқайрағоч» бекати.

11-трамвай беркитилади.

Маълумотлар олиш учун телефон 33-34-40.

Шаҳар йўловчилар транспортини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

19 АПРЕЛГАЧА 67 ва 41-АТСларда станциялараро кабелларни таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шу сабабли 41-АТСдан 62, 63, 64, 65, 67, 68 ва 69-АТС абонентлари билан алоқа боғлаш бирмунча қийинлашади.

Тошкент область Пискент районидаги 36-ўрта мактаб томонидан **Махмадмуродов Шухрат Гулливич** номига берилган 838240 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Адлия Бошқармаси, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари шаҳар «Бахт уйи» директори Б. Р. Шерматовга онаси **Ҳабиба ИМОМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Савоб» хайрия фирмаси жамоаси Ўзбекистон ССР Ишлар ташкилотлари қўмитаси раиси А. Х. Саидовга отаси **Холмат САИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги тери ва таносил илмий-текшириш институти жамоаси клиника бош врачи К. Е. Муҳамедовга отаси **Ёқуб МУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНОМАКТАБИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

кинорежиссёр, кинодраматург, кинооператор, кинорассом, кинобастакор, киношунос, кинодекорация рассоми, киносурат рассоми, либослар кинорассоми, кинопардоз рассоми, кинофильм продюсери, киноовоз оператори, киноҳисобчи ва киноиқтисодчи, киноинженер.

Ҳар бир мутахассислик бўйича фақат бир киши ўқишга қабул қилинади.

КОНКУРС ТАЛАБЛАРИ:

Талабгорлар олий маълумотли (қайси мутахассислик бўйича олий маълумотга эгалигининг аҳамияти йўқ) ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари шарт.

Талабгорлар аввало ноёб инсоний фазилатларга, қолаверса, ўзига хос тафаккурга, юксак савияга, ўз маънавий оламига эга бўлган истеъдодли кишилар бўлишлари лозим.

Талабгорлар ўзбек мактабини битирган ва ўзбек тилини мукаммал ўрганган бўлиб, инглиз тилини ҳам мукаммал билиши (ёки қисқа муддатда ўрганиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари) мажбурийдир.

Ўқишга ёшлари 25 дан ошмаган, ҳарбий хизматни ўтаб келган, спортнинг якка кураш турларидан бири билан шуғулланаётган ўзбек йигитлари қабул қилинади. Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Дарсларни ўтиш учун жумҳуриятимиз, қардош жумҳуриятлар ҳамда чет эл киноустолари таклиф этилади. Шунингдек, мамлакатимиз ва чет мамлакатларнинг киноинститутлари, киномактаблари ва киностудияларида кўчма дарслар ташкил этилади.

«Ўсарфильм» олий киномактаби «Ўсарфильм» муаллифи, аспирант САИД ЎСАР БЕКнинг кинорежиссура ихтисоси бўйича илмий ижодий изланишлар ва тажрибалар ўтказиш киноустахонасидир.

Талабаларга ойига 200 сўм миқдорида стипендия берилади. Бундан ташқари, «Ўсарфильм» муаллиф бирлашмасининг ижодий-ишлаб чиқариш ишларига ўз улушини қўшган талабаларга уларнинг қўшган ҳиссаларига ва лаёқатларига қараб ойлик мукофот пули бериб борилади.

«Ўсарфильм» олий киномактабининг талабалари ўқиш давомида иккита 45 минутлик қисқа ҳажмли бадиий ўқув фильмини ва 1,5 соатлик тўлиқ ҳажмли бадиий диплом фильмини суратга оладилар. «Ўсарфильм» олий киномактабини битирган талабаларга эгалланган мутахассисликлари бўйича диплом берилади ва улар «Ўсарфильм»га доимий ишга олиб қолинадилар.

Имтиҳонолди суҳбатлари ҳар ойнинг биринчи ҳафтасидаги шанба ва якшанба кунлари, яъни: 7-8 апрель, 5-6 май, 2-3 июнь, 30 июнь ва 1 июль, 4-5 август, 1-2 сентябрь кунлари соат 12.00 дан 19.00 гача бўлиб ўтади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 СЕНТЯБРДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Имтиҳонлар фақат мутахассислик бўйича бўлиб, дарслар ҳам фақат ихтисос бўйича ўтказилади.

Машғулотлар 1990 йилнинг 1 ОКТЯБРИДАН БОШЛАНИБ, ўзбек тилида олиб борилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ-2 ЙИЛ.

Ўзингиз билан (агар бўлса) ижодий материал, шеър, ҳикоя, қисса, сценарий, пьеса, роман, чизилган сурат, фотоматериаллар, ихтиролар лойиҳаси, кинофильмлар ёки ҳаваскорлик фильмлари, Сиз саҳналаштирган спектаклларнинг режиссёрлик партитуралари ва фотоматериаллари, афишалари, мутахассислик бўйича илмий-ижодий изланишлар ёки Сизнинг истеъдодингизни намоён қилиши мумкин бўлган бошқа асарларингизни суҳбатга ола келишингизни ёки почта орқали юборишингизни сўраймиз. 10 августгача ижодий асарларини «Ўсарфильм»га топширмаган ёки почта орқали юбормаган, шунингдек, имтиҳонолди суҳбатларидан ўтмаган талабгорлар имтиҳонларга қўйилмайди. Юборилган ижодий асарлар эгаларига қайтарилмайди.

Зарур ҳужжатлар: дипломнинг асл нусхаси (эгасига қайтарилади) ва нотариус орқали тасдиқланган кўчирмаси, саломатлиги ҳақида маълумотнома, меҳнат дафтарчаси, 2 дона 9х12 см, 2 дона 4х6 см., 2 дона 3х4 см, ҳажмли сурат, паспорт, ҳарбий ҳужжат.

«Ўсарфильм» олий киномактаби ўзининг бўлғуси иқтидорли талабаларини интиқлик билан кутади...

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи: 700000, Инқилоб хиёбони (метронинг «Октябрь инқилоби» бекати), Ленинград кўчаси, 48-уй (Техника уйи), Телефон 32-01-29.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

1990 йилнинг 25 мартидан Москва вақти 1 соат олдинга сурилганлиги муносабати билан

АЭРОФЛОТ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон ССР ҳудудига минтақа вақти ўзгармай сақланиб қолди. Тошкент, Андижон, Қўқон, Наманган ва уларга яқин вилоятлар вақти Москва вақтидан 2 соатга фарқ қилади.

Самолётлар ҳаракати Москва вақти бўйича ташкил этилганлиги туфайли рейсларга кечикмасликка, аэропортга ўз вақтида етиб келишга ҳаракат қилинг.

Агар Москвага учиш вақти 06.50 деб кўрсатилса, бу маҳаллий вақт билан 08.50 бўлади. Демак, аэропортга самолёт учишидан 2 соат олдин, маҳаллий вақт билан 06.50 да келиш керак. Бу марказий йўналишларга тегишли.

Маҳаллий йўналишларда учувчилар эса учиш вақтидан 1 соат илгари аэропортга келишлари лозим.

Қарши, Термиз, Бухоро, Навоий, Урганч, Нукус ва уларга яқин вилоятларнинг вақти Москва вақтидан 1 соатга фарқ қилади.

Агар Сиз вақтни аниқлашда қийналсангиз, билет харид қилаётганингизда кассирдан аэропортга келиш муддатини аниқлаб олинг.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг реклама бюроси.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1990 йилнинг 1 АПРЕЛИДАН Бектемир райони (Наримонов шаҳри) аҳолисига хизмат кўрсатаётган 154, 188, 183-АВТОБУС МАРШРУТЛАРИ ШАҲАР ТРАНСПОРТИ РЕЖИМИДА ИШ БОШЛАЙДИ. Маршрут номерлари ўзгариб, йўналишлари қуйидагича ташкил этилади:

154-маршрут — 54-«Қўйлиқ» автостанцияси — «Чкалов» метро станцияси;

183-маршрут — 12-«Инқилоб хиёбони — Водник мавзеси».

188-маршрут — 99-«Жанубий вокзал — Водник мавзеси».

Мазкур йўналишлардаги йўл ҳақи — 5 тийин.

171-автобус маршрути тезюрар режимга ўтказилади. Унинг номери 110 «э» рақамига ўзгариб, «М. Горький» метро станцияси — «Қўйлиқ» автостанцияси» оралиғида қатнайди. **Йўл ҳақи — 10 тийин.**

Маълумотлар олиш учун телефон — 34-82-99.

ШАҲАР БАРЧА ТУРДАГИ ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИ ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ,

ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОМИТЕТИ

1990 йил 1 апрелдан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан қундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон катта кўчаси, 16-«а» уй.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горнома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 00271.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.